

---

## БАЧҚИРДА ФЕСТИВАЛЬ

Жинойтчиликнинг олдини олиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Бачқир МФЙда 3-сектор етакчилари ташаббуси билан тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида “Биз жинойтчиликка қаршимиз!” шиори остида байрам фестивали уюштирилди.

Туманимиз миқёсида ўтган ушбу фестивални туман ҳокими Б.Ибрагимов ва туман ИИБ бошлиғи, 3-сектор раҳбари Р.Ҳайитовлар очиб бердилар.

Байрамда маҳалланинг ёши улуғ нурунийлари ҳам иштирок этдилар.

Тадбир доирасида миллий ҳунармандчилик кўргазмалари, миллий халқ ўйинлари -арқон тортиш, тош кўтариш, спорт мусобақалари,расм чизиш танловлари, китоб кўргазмалари, ош пишириш мусобақалари бўлиб ўтди.

Фестиваль якунида фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

2023-02-22 11:17:49